

**“Сирдарёавтойўл” ҳудудий йўллардан
фойдаланиш ташкилоти
УСТАВИ**

I. У мумий қодалар

1. “Сирдарёавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти (кейинги ўринларда - “Ташкилот”) “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компаниясининг (кейинги ўринларда - “Муассис”) 2006 йил 11 декабрдаги 223-сонли буйруғига асосан “Сирдарёавтойўл” йўл-қурилиш худудий шўба ташкилоти негизда қайта ташкил этилган.

2. Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-511-сонли қарорига мувофиқ “Ўзавтойўл” ДАКнинг ташкилий тузилмасига киритилган.

3. Муассиснинг 2010 йил 16 сентябрдаги 111-сонли буйруғига асосан “Сирдарёавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти номланишидан давлат сўзи чиқарилиб, қайта номланган.

“Сирдарёавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти “Сирдарёавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилотининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Ташкилотнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида - “Сирдарёавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти (қисқартмаси - “Сирдарёавтойўл” ХЙФТ);

рус тилида - Территориальная дорожно-эксплуатационная организация «Ферганаавтойул» (қисқартмаси - ТДЭО «Сирдарьяавтойул»).

5. Ташкилот таркибига вилоят худудида жойлашган, туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари, кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари, лойиҳа-тадқиқот ва ўқув марказлари, йўл қурилиши материаллари, техника ва механизмларини ишлаб чиқарувчи ва таъминловчи корхоналар киришлари мумкин.

Ташкилот таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик мустақиллигини ва юридик шахе мақомини сақлаб қоладилар.

6. “Сирдарёавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти Муассиснинг унитар ташкилоти ҳисобланади.

7. Ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган кун дан бошлаб юридик шахе мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

8. Ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Муассиснинг буйруқлари ва фармойишларига, мазкур уставга

мувофиқ амалга оширади. Ташкилот ўз фаолиятини тўлиқ хўжапик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга бўйсунди.

9. Ташкилот Уставига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

10. Ташкилот алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган, ўзининг номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

11. Ташкилот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

12. Ташкилот давлатнинг бошқа корхона ва ташкилоти муассиси бўлишга ҳақли эмас.

13. Ташкилотнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Тошкент кўчаси, 3-уй.

II. Ташкилотнинг мақсади ва асосий вазифалари

14. Ташкилотнинг асосий мақсади - жойлашган вилоят ҳудудида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг таркибидаги муҳандислик иншоотларини сақлаш, таъмирлаш, қуриш ва қайта қуриш ишларини йўл соҳасидаги Муассиснинг ягона техник сиёсати асосида амалга ошириш ҳисобланади.

15. Қуйидагилар Ташкилотнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

– вилоятда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари давлат томонидан бошқарадиган махсус ваколатли идора бўлиб ҳисобланади;

– вилоят ҳудудидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғида узлуксиз катновни таъминлаш мақсадида ўзининг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг техникавий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек пудрат ишларини бажаришда юқори фойда олиш учун шарт-шароит яратиш;

– вилоят ҳудудидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғининг Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонунида белгиланган тартибда сақлаш ва фойдаланишни ташкил этиш ва бевосита мазкур қонунга амал қилинишини таъминлаш;

– вилоят ҳудудида жойлашган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари сақлаш, жорий таъмирлаш ва жихозлаш ишлари бўйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш;

– вилоят йўл хўжаликлари манфаатларидан келиб чиқиб, вилоят худудидаги тасарруфида бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш бўйича вилоятдаги йўл хўжаликлари бошқаришда ягона техник сиёсатни олиб бориш;

– вилоятдаги йўл хўжаликларининг молиявий, моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланишда барча йўл корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– ташкилотлар таркибига кирувчи корхоналарнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан ишлаб чиқаришда хом-ашё, материал ва ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, илгор техника, технология, материалларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва илмий-техникавий "злқиқотларни ташкил қилиш;

– давлат органлари, бошқа корхона ва уюшмалар билан ўзаро ҳамкорликда ўз таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар манфаатларини химоя қилиш;

– меҳнат жамоаларининг ижтимоий ривожланиши масалаларини ҳал қилишда таркибидаги корхоналарга ёрдам бериш;

– шартномалар асосида умумий фойдаланишдаги автомобиль йулларида кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва бошқа турдаги пудрат ишларини бажариш;

– ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш г 1 жарувчини танлаш, иш хақи тўлашни ўрнатилган тартиб ва усулларни кўллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий химоялаш ва ўз-ўзини бошқариш ма.салаларини мустақил ҳал қилиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тпабларини бажариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

– ўзаро пудрат шартномалари бўйича бошқа ташкилотлар, муассасалар ва ташкилотларга иш бажариш, хизматлар кўрсатиш;

– фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

16. Лицензия ёки махсус рухсат талаб қилинадиган фаолият турлари, ўрнатилган тартибда лицензия ёки махсус рухсат олингандан сўнг амалга оширилади.

Ш. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Ташкилот фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмета, турларини белгилаш;

– Ташкилот уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

– Ташкил от директорини тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

– Ташкилотни қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш тугрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш бансларини тасдиқлаш;

– Ташкил от мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тугрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

– Ташкилотнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

– Ташкилот соф фойдасини тасарруф этиш ва уни сарфлаш йўналишларини белгилаш;

– Ташкилотга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Ташкилот директорига нисбатан даъво тақдим этиш;

– Муассис томонидан Ташкилотга берилган мулк ҳисобидан фойдаланишдан тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш.

18. Муассис қуйидагиларга мажбур:

– Ташкилот директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ директор билан меҳнат шартномаси тузиш;

– Ташкил отга берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сакланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

IV. Ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Ташкилот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Республика йўл ҳўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш;

– меҳнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шаклларини қўллаш;

– меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш;

– давлат органлари, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда ташкилот таркибига кирувчи корхоналар манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил бўлиш;

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиш.

20. Ташкилот директори Ташкилотнинг яккабошчилик тартибида фаолият юритувчи ижрочи раҳбар ҳисобланади ва Ташкилот олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Ташкилот номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Ташкилот номидан битимларни белгиланган тартибда амалга оштиради. ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

21. Ташкилот директори Ташкилотга юкланган вазифа ва функцияларга мувофиқ Ташкилот фаолиятининг ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

22. Ташкилот ходимларининг штат бўйича сони, уларнинг лавозим тариф даражалари ва иш ҳақи миқдорлари Ташкилот директори томонидан Муассис акзан келишилган ҳолда тасдиқланади.

23. Ташкилот директори Муассис олдида Ташкилот уставида белгиланган тартибда Ташкилот фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

24. Ташкилот директори ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда шартнома вазифаларини бажаришда Ташкилот ва унинг таркибидаги корхоналар и аҳоли ва ташқи алоқаларини кўзлаб ҳаракат қилади, ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фискал вазифаларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан, ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Ташкилот ва унинг таркибидаги корхоналарига берилган мулк йўқолган тақдирда, Ташкилот ва унинг таркибидаги корхоналарига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Ташкилот қуйидагиларга мажбур:

– Ташкилотга берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

– Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилиш.

V. Ташкилотнинг устав фонди

26. Ташкилотнинг Устав фонди -- --- --- (-----) сўм миқдоридagi асосий воситалардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилган.

Ташкилот устав фонди маҳаллий аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг уларга бериладиган асосий фондлари, шунингдек ўзгартирилаётган ҳудудий давлат-акциядорлик бирлашмаларининг мол-мулки ҳисобига ҳосил бўлади.

27. Ташкилот ўз таркибидаги корхоналарнинг устав жамгармаларидан самарали фойдаланилишини мувофиқлаштиради, назорат қилади. Ташкилот ўз таркибидаги корхоналарнинг устав жамгармаларининг фойдаланилиши бўйича чорак, йил якуни бўйича Муассисга ҳисобот беради.

28. Ташкилотнинг устав фонди Муассиснинг қарорига мувофиқ кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Устав фондининг кўпайтирилганлиги ёки камайтирилганлиги Ташкилот уставига бу ҳақда тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришлар Муассис томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин жучга киради.

29. Ташкилотнинг Устав фондини кўпайтириш Муассиснинг қўшимча улушлари ҳисобидан ёки Ташкилот соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Ташкилот Устав фондини Ташкилот соф фойдаси ҳисобидан кўпайтириш тўғрисида қарор Ташкилотнинг ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йил фаолияти натижалари бўйича бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан қабул қилинади. Ташкилот Устав фондини камайтириш Муассис қарорига биноан Муассис улушининг номинал қийматини камайтириш ёки Ташкилот мол мулки ҳисобидан Муассис улушининг пул қийматини тўлаш 1улк билан амалга оширилади.

30. Ташкилот мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда:

- Муассис томонидан Ташкилотга бirkитилган (берилган) мулк;
- Ташкилотнинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Ташкилот мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

31. Ташкилот мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

32. Ташкилот мулкни тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Ташкилотнингдиректори томонидан Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

- асосий воситаларни балансдан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;
- мулкни бошқа хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида кўшиш;

- хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;
- хўжалик жамиятларидаги Ташкилотга тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш:
- мулкни Ташкилот фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

33. Вилоят ҳудудида жойлашган умумий фойдаланишдаги автомобиль хўлларини сақлаш, жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бўйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш билан боғлиқ Ташкилотни сақлаш сарф-харажатлари амалдаги қонунчилик асосида ўрнатилган тартибда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан молиялаштирилади.

VI. Ташкилотнинг фойдаси

34. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Ташкилотда қоладиган соф фойда Талшот ихтиёрида қолади.

35. Ташкилот соф фойдасини тасарруф этиш Муассис билан келишилган шла амалга оширилади.

36. Ташкилот ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Муассиснинг розялнги билан заҳира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

37. Ташкилот унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг шй-хўжалик фаолиятларидан олинган соф фойдалари ҳисобидан Муассис келишган ҳолда марказлашган жамғармалар ташкил қилиши мумкин, Муассис марказлашган жамғармасига Ташкилот таркибидаги «эсхе'наларининг соф фойдалари ҳисобидан ажратмаларни (тўловларни) йиғиб, Нрказлашган ҳолда тўлаши мумкин.

VII. Ташкилотнинг жавобгарлиги

38. Ташкилот ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб бервои. Ташкилот Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Муассис Ташкилотнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

VIII. Ташкилот фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш

39. Ташкилотни Муассис томонидан тайинланган директор бошқаради. Типкилотнинг директор ўринбосари, бош муҳандиси ва бош ҳисобчиси Муассис билан келишган ҳолда Ташкилот директори томонидан тайинланади.

40. Ташкилот ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни

таждим этади, ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

41. Ташкилот ҳисобот даври (чорақлик, йиллик) якуни бўйича ўзининг ва таркибидаги корхона ва ташкилотларининг йиғма баланс ҳисоботларини ассисга ўрнатилган тартибда топширади. Ташкилот ўз таркибидаги корхоналар балансларининг тўлиқлигини назорат қилади ва ҳаққонийлигига жавоб беради, ҳамда ушбу масалалар учун маъсул ва жавобгар ҳисобланади.

42. Ташкилот фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

IX. Ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш

43. Ташкилот Муассис қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

X. Якуний қоидалар

44. Ушбу Уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

45. Устав амалдаги қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

Ташкилот директори
